**«Марказий дехкон бозори»** акциядорлик
жамиятининг акциядорларининг
2016 йил 25 июндаги
Навбатдаги умумий йигилишида
**" Т А С Д И К Л А Н Г А Н "**

**“Марказий дехкон бозори”**
акциядорлик жамиятининг

"КУЗАТУВ КЕНГАШИ
ТУГРИСИДА"ГИ

*Н И З О М И*

Андижон шахри-2016 йил

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашини (кейинги ўринларда матнда “Кузатувчи кенгаш” деб юритилади) ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи намунавий нормалар мавжуд.

Муайян бир акциядорлик жамиятининг Кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Низом мазкур акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

2. Кузатувчи кенгаш жамият фаолиятига умумий рахбарликни амалга оширади, қонун ва уставда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

Овоз берувчи акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар сони ўттизтадан кам бўлган жамиятда жамият уставида Кузатувчи кенгаш функциялари Акциядорлар умумий йиғилишига юкланиши мумкин. Ушбу холда жамият уставида Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги масалани хал этиш ваколатига тегишли бўлган жамиятнинг муайян шахси ёки органи тўғрисидаги кўрсатма мавжуд бўлиши керак.

3. Жамият Кузатувчи кенгашининг сон таркиби Жамият уставида белгиланади.

## II. Кузатувчи кенгашнинг ваколатлари.

4. Кузатувчи кенгаш ваколатларига қуйидагилар тегишлидир:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунини 92-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган холлар бундан мустасно;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

Умумий йиғилишда қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санасини белгилаш, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик бошқа масалаларни хал этиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш ва жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

Агар жамият уставига мувофиқ ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан унга бундай хуқуқ берилган бўлса, акцияларнинг номинал қийматини эълон қилган акцияларнинг сони ва турлари доирасида кўпайтириш йўли билан жамиятнинг устав фонди миқдорини кўпайтириш;

Агар жамият уставида бошқача хол назарда тутилмаган бўлса, облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш;

Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилаш;

Конунда назарда тутилган холларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш, агар жамият устави ёки унинг Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ унга бундай хуқуқ берилган бўлса;

Жамият ижро этувчи органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва бошқалар), унинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш, агар жамият уставида бу унинг ваколатларига тегишли бўлса;

Акциядорлик жамияти номидан ижро этувчи органи ращбари (бошқарув раиси, директор)ни ва коллегиал ижро этувчи орган (Бошқарув, Дирекция) аъзоларини бир йил муддатга ёллаш тўғрисидаги мехнат шартномасини тузиш;

Йиллик бизнес-режаларни тасдиқлаш, агар жамият уставида ушбу масалани хал этиш унинг ваколатига тегишли бўлса ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан ушбу масала унга топширилган бўлса;

Ижро этувчи органга тўланадиган тақдирлаш пули ва компенсациялар миқдорини белгилаш, агар жамият уставида бу унинг ваколатига тегишли деб топилган бўлса;

Жамият тафтиш комиссияси аъзолар (тафтишчи)га тўланадиган тақдирлаш хақи ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш ва аудитор хизматларига тўловлар миқдорини белгилаш;

Акциялар юзасидан дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;

Жамиятни бошқариш органлари фаолияти тартибини белгиловчи хужжатларни тасдиқлаш;

Жамият филиалларини ташкил этиш ва унинг ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўъба ва бўйсунувчи корхоналарини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг VIII бўлимида назарда тутилган щолларда мол-мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлик йирик битишувларни тузиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 10 бўлимида назарда тутилган холларда содир этилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битишувларни тузиш;

жамият ижро этувчи органи фаолиятига тегишли бўлган хар қандай хужжатларни тўсиқсиз олиш ва Кузатувчи кенгашга юкланган мажбуриятларни бажариш учун уларни ижро этувчи органдан талаб қилиб олиш. Олинган хужжатлар Кузатувчи кенгаш ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади;

йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи рахбарининг хисоботларини хар чорак эшитиш хамда якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган, жамият коллегиал ижро этувчи органининг рахбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари қўпол равишда бузилган ёки уларни бажариш барбод қилинган тақдирда, улар билан тузилган шартномаларни муддатидан олдин тўхтатиш;

якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган (директор), жамият коллегиал ижро этувчи органининг рахбари (бошқарув, дирекция), бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда улар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш, агар уставгв мувофиқ унга бундай хуқуқ берилган бўлса;

қонун ва жамият устави билан кузатувчи кенгаш ваколатига киритилган бошқа масалаларни хал этиш;

Жамият Кузатучи кенгаши ваколатига киритилган масалалар хал этиш учун жамиятнинг ижро этувчи органига берилиши мумкин эмас.

## III. Кузатувчи кенгашни сайлаш

5. Жамиятнинг кузатувчи кенгаши раисини сайлаш қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

6. Жамият Кузатувчи кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган холда қайта сайланишлари мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича жамият Кузатувчи кенгаши хар қандай аъзоси (барча аъзолари)нинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

7. Устав фондида давлатнинг улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгаши аъзоси хисобланади, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланиши (қайта сайланиши) мумкин эмас.

8. Жамият ижро этувчи органи аъзолари Кузатувчи кенгашга сайланиши мумкин эмас. Жамият Кузатувчи кенгаши аъзоларининг фаолиятини уларнинг ушбу жамиятда мехнат шартномаси (контракт) бўйича фаолияти билан қўшиб олиб боришига йўл қўйилмайди.

Кузатувчи кенгашга қонунда назарда тутилган тартибда ушбу жамиятнинг акциядорлари хисобланмаган шахслар хам сайланиши мумкин.

9. Жамият Кузатувчи кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар устав ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

10. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки уларни жамият Кузатувчи кенгаши аъзолигига бир неча номзодлар ўртасида тақсимлашга хақлидир.

11. Овозларнинг энг кўп сонини олган номзодлар Кузатувчи кенгаш таркибига сайланган деб щисобланади.

## IV. Кузатувчи кенгаш раиси

12. Жамият Кузатувчи кенгаши раиси, агар жамият уставида ўзгача щол назарда тутилмаган бўлса, Кузатувчи кенгаши аъзолар томонидан унинг таркибидан Кузатувчи кенгашга сайланган аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

13. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши ўз раисини Кузатувчи кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга хақлидир, агар жамият уставида бошқача хол назарда тутилмаган бўлса.

14. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши раиси, агар жамият уставида ўзгача хол назарда тутилмаган бўлса, унинг ишини ташкил этади, Кузатувчи кенгаш мажлисларини чақиради ва унга раислик қилади, мажлисларда протокол юритилишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва унга раислик қилади.

15. Жамият Кузатувчи кенгашининг раиси йўқ бўлган холларда унинг вазифасини Кузатувчи кенгаш аъзоларидан бири бажаради.

16. Кузатувчи кенгаш раиси, агар Кузатувчи кенгашнинг қарори билан ушбу ваколатлар бошқа шахсга юкланмаган бўлса, якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган (директор), коллегиал ижро этувчи орган (бошқарув, дирекция) рахбари ва аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди.

## V. Êóçàòóâ÷è êåíãàø ìàæëèñè

17. Æàìèÿò Êóçàòóâ÷è êåíãàøèíèíã ìàæëèñè Êóçàòóâ÷è êåíãàø ðàèñèíèíã ўç òàøàááóñè áèëàí, Êóçàòóâ÷è êåíãàø, òàôòèø êîìèññèÿñè àúçîñè ¸êè àóäèòîðíèíã, æàìèÿòíèíã èæðî ýòóâ÷è îðãàíè, øóíèíãäåê æàìèÿò óñòàâèäà áåëãèëàíãàí áîøқà øàõñëàðíèíã òàëàáèãà êўðà ÷àқèðèëàäè.

Æàìèÿòíèíã Êóçàòóâ÷è êåíãàø ìàæëèñèíè ÷àқèðèø âà óíè ўòêàçèø òàðòèáè áåëãèëàíàäè. Êóçàòóâ÷è êåíãàø ìàæëèñè, қîèäàãà êўðà éèëë ÷îðàãèäà êàìèäà áèð ìàðòà òўïëàíàäè.

18. Êóçàòóâ÷è êåíãàø éèғèëèøèíè ўòêàçèø ó÷óí êâîðóì æàìèÿò óñòàâèäà áåëãèëàíàäè, ëåêèí ó Êóçàòóâ÷è êåíãàø ñàéëàíãàí àúçîëàðè óìóìèé ñîíèíèíã 75 ôîèçèäàí êàì áўëìàñëèãè êåðàê.

19. Êóçàòóâ÷è êåíãàø àúçîëàðè ñîíè óñòàâäà íàçàðäà òóòèëãàí 75 ôîèçäàí êàì áўëèá қîëãàí щîëëàðäà Êóçàòóâ÷è êåíãàøíèíã ÿíãè òàðêèáèíè ñàéëàø ó÷óí æàìèÿò àêöèÿäîðëàðèíèíã ôàâқóëîääà (íàâáàòäàí òàøқàðè) Óìóìèé éèғèëèøèíè ÷àқèðèøãà ìàæáóðäèð. Êóçàòóâ÷è êåíãàøíèíã қîëãàí àúçîëàðè ôàқàò àêöèÿäîðëàðíèíã àíà øóíäàé ôàâқóëîääà (íàâáàòäàãè òàøқàðè) Óìóìèé éèғèëèøèíè ÷àқèðèø òўғðèñèäà қàðîð қàáóë қèëèøãà щàқëèäèð.

20. Æàìèÿò Êóçàòóâ÷è êåíãàøè ìàæëèñèäàãè қàðîðëàð, àãàð “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини щимоя қилиш тўғрисида”ги +онунда жамият уставида ўзгача щол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Êóçàòóâ÷è êåíãàøíèíã щàð áèð àúçîñè áèð îâîçãà ýãà áўëàäè.

21. Æàìèÿò Êóçàòóâ÷è êåíãàøè áèð àúçîñèíèíã îâîçè Êóçàòóâ÷è êåíãàøíèíã áîøқà àúçîñèãà áåðèøèãà éўë қўéèëìàéäè.

22. Æàìèÿò Êóçàòóâ÷è êåíãàøè ìàæëèñëàðèäà ïðîòîêîë þðèòèëàäè. Êóçàòóâ÷è êåíãàø ìàæëèñèíèíã ïðîòîêîëè éèғèëèø ўòêàçèëãàíäàí cўíã 10 êóíäàí êå÷èêòèðèëìàé òóçèëàäè.

23. Ìàæëèñ ïðîòîêîëèäà:

óíè ўòêàçèø æîéè âà âàқòè;

ìàæëèñäà қàòíàøóâ÷è øàõñëàð;

ìàæëèñ êóн òàðòèáè;

îâîç áåðèøãà қўéèëãàí ìàñàëàëàð, óëàð áўéè÷à îâîç áåðèø ÿêóíè;

қàáóë қèëèíãàí қàðîðëàð êўðñàòèëàäè.

24. Æàìèÿò Êóçàòóâ÷è êåíãàøè ìàæëèñè ïðîòîêîëè éèғèëèøäà ðàèñëèê қèëóâ÷è òîìîíèäàí èìçîëàíàäè, ó ïðîòîêîëíèíã òўғðèëèãè ó÷óí æàâîá áåðàäè.

## VI. Êóçàòóâ÷è êåíãàø àúçîëàðèíèíã õóқóқ âà ìàæáóðèÿòëàðè

25. Êóçàòóâ÷è êåíãàø àúçîñè қóéèäàãè õóқóқëàðãà ýãà:

Êóçàòóâ÷è êåíãàø ìàæëèñëàðäà øàõñàí қàòíàøèø, éèғèëèøäà ìóщîêàìà қèëèíà¸òãàí ìàñàëà þçàñèäàí ðåãëàìåíò áèëàí àæðàòèëãàí âàқò äîèðàñèäà ñўçãà ÷èқèø;

Êóçàòóâ÷è êåíãàø қàðîðèãà êўðà ìóàéÿí äàâðäà àêöèÿäîðëèê æàìèÿòíèíã ôàîëèÿòè, óíè ðèâîæëàíòèðèø ðåæàëàðè òўғðèñèäà àõáîðîò îëèø;

Êóçàòóâ÷è êåíãàøäà èøëàãàíëèêè ó÷óí (àãàð òàқäèðëàø ïóëè òўëàø æàìèÿò àêöèÿäîðëàðèíèíã Óìóìèé éèғèëèøè қàðîðèäà íàçàðäà òóòèëãàí áўëñà), òàқäèðëàø ïóëè âà (¸êè) щàðàæàòëàðíèíã êîìïåíñàöèÿñèíè îëèø.

Êóçàòóâ÷è êåíãàø àúçîëàðè ýðòàñëàä âàçèôàëàðíè òàқñèìëàø Êóçàòóâ÷è êåíãàø ðàèñè òîìîíèäàí Êóçàòóâ÷è êåíãàøíèíã щàð áèð àúçîñè ó÷óí àíèқ àìàëãà îøèðèëàäè. Êóçàòóâ÷è êåíãàøíèíã щàð áèð àúçîñè ó÷óí òàқäèðëàø ïóëè ìèқäîðè ôàîëèÿò ñàìàðàäîðëèãèãà қàðàá Àêöèÿäîðëàð óìóìèé éèғèëèøè òîìîíèäàí áåëãèëàíàäè.

26. Кузатувчи кенгашнинг жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатувчи кенгашга битишув тузилиши

пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатувчи кенгаш томонидан, қонунда назарда тутилган холларда, тегишли равишда Кузатувчи кенгаш аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

27. Кузатувчи кенгаш аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция қилинган барча шахслари;

бундай битишувнинг томонлари хисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

битишувларнинг томони хисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар,пайлари) фоизига эга бўлсалар:

битишув томони хисобланган ёкиунда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга хисобланадилар.

28. Кузатувчи кенгаш аъзолари Кузатувчи кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита хак олиш хуқуқига эга эмас.

29. Кузатувчи кенгаш аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкий ва номулкий хуқуқлар, хўжалик фаолияти сохасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш хуқуқига эга эмас.

30. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини халол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб хисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

## VII. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг жавобгарлиги

31. Жамият Кузатувчи кенгаш аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатувчи кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

32. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир оизига эга бўлган акциядор(акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатувчи кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга щақлидир.

**«Марказий дехкон бозори»** акциядорлик
жамиятининг акциядорларининг
2016 йил 25 июндаги
Навбатдаги умумий йигилишида
**" Т А С Д И К Л А Н Г А Н "**

**“Марказий дехкон бозори”**
акциядорлик жамиятининг

"УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
ТУГРИСИДА"ГИ

*Н И З О М И*

Андижон шахри - 2016 йил

## I. Умумий коидалар

1.1.Мазкур Низом “ИМарказий дехкон бозори” акциядорлик жамияти Низомининг ажралмас кисми хисобланиб, жамият акциядорлари умумий йигилиши макомини белгилайди ва уни ишини, уни утказиш ва карорлар кабул килишини тартибга солади.

1.2. Низом "Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг хукукини химоя килиш тугрисида"ги Узбекистон Республикаси Конунига хамда “Марказий дехкон бозори” акциядорлик жамияти Низомига мувофик ишлаб чикилган.

1.3. Жамият хар йили акциядорларнинг умумий йигилишини утказиши шарт.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши жамият Низомида белгиланган муддатларда, бирок молиявий йил тамом булгандан кейин 6 ойдан кечикмай утказилади. Акциядорларнинг хисобот умумий йигилишида жамият фаолияти тугрисида йиллик хисобот хамда конун хужжатларида назарда тутилган бошка хужжатлар мажбурий тартибда куриб чикилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан бошка утказиладиган йигилишлар навбатдан ташкари йигилишлар хисобланади.

1.6. Акциядорлар умумий йигилиши утказилиши санаси, уни утказилиши тугрисида акциядорларга маълум килиш шакли, акциядорлар умумий йигилиши утказилишга тайёргарлик куриш пайтида акциядорларга такдим этиладиган материаллар(ахборот) руйхати жамият кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади.

## II. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатлари

2.1. Акциядорлар умумий йигилишининг мутлок ваколатига куйидагилар тегишли булади:

а) жамият Низомига узгартириш ва кушимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги Низомни тасдиклаш;

б) жамиятни кайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш хамда оралик ва узил-кесил тугатиш балансларини тасдиклаш;

г) жамият кузатувчи кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларни сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тухтатиш;

д) эълон килинган акцияларнинг чекланган микдорини белгилаш;

е) жамият Низом жамгармасини купайтириш ёки камайтириш;

ж) уз акцияларини сотиб олиш;

з) жамиятнинг кузатувчи кенгаши томонидан тайинланган акциядорлик жамияти ижро этувчи орган рахбарини (бошкарув раисини, директорни) тасдиклаш;

и) жамият тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш хамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тухтатиш;

к) жамият аудиторини тасдиклаш;

л) жамият йиллик хисоботларини, бухгалтерлик балансларини, фойда ва зарарлари счетини тасдиклаш, унинг фойда ва зарарларини таксимлаш;

м) жамиятнинг сарф-харажатларини тасдиклаш ва уларни жамиятни ривожлантиришнинг бизнес-режаси билан солиштириш;

н) акциялар очик ёзилиш оркали жойлаштирилган холларда акцияларга конвертация килинадиган кимматли когозларни сотиб олишга

акциядорларнинг устунлик хукукини кулламаслик тугрисида карор кабул килиш;

о) умумий йигилиш иш таритибини тасдиклаш;

п) акцияларни булиш ва жамлаш;

р) йирик битишувларни содир этиш, улар куйидагилар хисобланади:

- бундай битишувлар тузиш тугрисида карор кабул килинган санада киймати жамият активлари баланс кийматининг 50 фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулкни жамият томонидан тугридан-тугри ёки билвосита сотиб олиш ёки бегоналаштириш, ёхуд бегоналаштириш имконияти билан боглик битишувлар бир-бирига боглик бир неча битишувлар, одатдаги хужалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида содир этиладиган битишувлардан ташкари;

- жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий (одатдаги) акцияларнинг 25 фоизидан ортикни ташкил этувчи оддий (одатдаги) акцияларга конвертация килинадиган оддий (одатдаги) акцияларни жойлаштириш билан боглик битишув ёки узаро бир-бирига боглик бир неча битишув. Йирик битишув мавзуси хисобланган мол-мулк кийматини белгилаш жамият кузатувчи кенгаши томонидан амалга оширилади;

с) содир этилишидан жамият кузатувчи кенгаши аъзоси, жамият бошкарувининг бошка органларида лавозимни эгаллаб турган шахс, узига карам булган (аффилиор) шахс билан биргаликда жамиятнинг йигирма фоиз ёки ундан ортик овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) манфаатдор булган битишувларни тузиш, башарти курсатиб утилган шахслар, уларнинг турмуш уртоклари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг барчаси аффилиор шахслар булса;

- бундай битишувнинг тарафи хисобланса ёки унда вакил ёки воситачи сифатида катнашса;

- битишув тарафи хисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида катнашувчи юридик шахс акцияларининг йигирма фоизига ёки ундан ортик акцияларга эгалик килса;

- битишув тарафи булган ёки унга вакил ёки воситачи сифатида катнашувчи юридик шахснинг бошкарув органларида лавозимни эгаллаб турган булса, бунда содир этилишидан манфаатдорлик мавжуд булган жамият томонидан битишув тузиш тугрисидаги карор куйидаги холларда:

1) агар битишув буйича хак тулаш микдори ва битишув мавзуси хисобланган мол-мулк киймати жамият активларининг беш фоизидан ортик булса;

2) агар битишув ва (ёки) узаро бир-бири билан боглик бир неча битишув жамиятнинг овоз берувчи акцияларини ёки илгари жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг беш фоизидан ортик булган микдорда овоз берувчи акцияларга конвертация килинадиган бошка кимматли когозлар булса битишувдан манфаатдор булмаган акциядорларнинг купчилик овози билан овоз берувчи акциялар эгалари томонидан кабул килинади;

т) конун хужжатларида ва жамият Низомида назарда тутилган бошка масала-ларни хал этишда; "а", "б", "в", "г", "д", "е", "з", "л", "м", "р", "с" кичик бандларида назарда тутилган масалалар буйича карорлар акциядорлар умумий йигилишида катнашувчиларнинг камида 75 фоизидан иборат купчилик овози билан кабул килинади.

## III.Умумий йигилишда катнашиш хукуки.
## Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини руйхатдан утказиш.

3.1. Акциядорлар умумий йигилишида катнашиш хукуки акциядорлик жамияти реестри маьлумотлари буйича жамият кузатувчи кенгаши томонидан белгиланадиган санада тузиладиган акциядорлар руйхати асосида белгиланади.

3.2. Акциядорлар руйхати кузатувчи кенгаш томонидан тузилади.Акциядорлар руйхатида хар бир акциядорнинг исми (номи), унинг манзили (жойлашган жойи), унга тегишли акциялар сони ва тури тугрисидаги маълумотлар мавжуд булади.

3.3.Акциядорлар умумий йигилишида катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхатини тузиш санаси акциядорлар умумий йигилишини утказиш тугрисида карор кабул килинган санадан олдин хамда умумий йигилиши утказилиши санасидан 60 кун олдин белгиланиши мумкин эмас.

3.4.Умумий йигилишда катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхатига узгартиришлар руйхатни тузиш санасида курсатиб утилган руйхатга киритилмаган шахсларнинг бузилган хукукларини тиклаш ёки уни тузишда йул куйилган хатоларни тузатиш холларидагина конун хужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.5. Акциядорларнинг умумий йигилишида акциядорлар руйхатига киритилган, умумий йигилишда катнашиш хукукига эга булган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, жамият аудитори, жамият кузатувчи кенгаши ва ижро этувчи органлари аъзолари, жамият тафтиш комисияси аъзолари хозир булиш хукукига эга буладилар (кузатувчи кенгашни ва жамият назорат органларини сайлаш буйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар мухокама килинган, шунингдек Кузатувчи кенгаш томонидан тайинланган ижро этувчи орган рахбари (бошкарув раиси, директор) тасдикланган холларда курсатиб утилган шахсларни хам таклиф этиш тавсия этилади).

3.6. Умумий йигилишда катнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йигилиш тугрисидаги билдиришномада курсатилган жой ва вакт буйича руйхатдан утишлари керак.

3.7. Умумий йигилишда катнашиш учун келган жисмоний шахслар булган акциядорларни руйхатдан утказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдикловчи бошка хужжат курсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдикланган ишончнома курсатилгач амалга оширилади.

3.8. Юридик шахс рахбари-жамият акциядори умумий йигилишдаги уз ваколатларини лавозимга тайинлаш тугрисидаги хукукий хужжат хамда шахсни тасдикловчи хужжат асосида амалга оширади.

3.9. Акциядор-юридик шахснинг вакили акциядорлар умумий йигилишида ташкилот рахбарининг имзоси билан еки бунга таъсис хужжатлари билан вакил килинган бошка шахснинг имзоси чекланган, ушбу ташкилотнинг мухри билан тасдикланган, унинг номига берилган ишончнома мавжуд булган такдирда катнашиши мумкин.

3.10. Умумий йигилишга келган акциядорларни руйхатдан утказиш, умумий йигилишда катнашиши хукукига эга булган акциядорлар руйхатига мувофик юритилади. Ушбу руйхат жамият акциядорлари реестри маълумотлари буйича кузатувчи кенгаш карори билан белгиланган санада тузилади.

3.11. Умумий йигилишда катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхатига биноан кайд этиш руйхати тузилади.

Кайд этиш руйхати рисола холига келтирилган, тартиб раками куйилган, ип утказилиб тикилган ва акциядорлик жамияти мухри билан тасдикланган булиши керак.

3.12. Умумий йигилишни утказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) кайд этиш руйхатига имзо чекадилар ва акциядорлар умумий йигилишида

катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхати буйича белгиланган хар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чикиб, овоз бериш учун бюллетенлар тупламини оладилар.

3.13. Агар йигилиш катнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфатларини ифодалашга ишончнома такдим этса, у холда унга у ифодалаетган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетень берилади, руйхатдан утиш руйхатида эса у ифодалаетган акциядорнинг фамилияси каршисига "______________" та (сони) овоз берувчи акциялар буйича "__________________" да берилган ишончнома буйича, деган ёзув кайд этилади хамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми курсатилади.

3.14. Акцияларнинг номинал эгаси акциядорлар умумий йигилишида акциялар эгаси томонидан берилган хамда мазкур Низомнинг 3.1.3-бандига мувофик расмийлаштирилган ишончнома буйича катнашиши мумкин.

3.15. Акциялар руйхат тузилган санадан кейин ва акциядорлар умумий йигилишида катнашиш хукукига эга булган акциядорлар умумимий йигилиши утказилиши санасигача берилган холларда жамият акция олувчига овоз беришга еки акция олувчининг курсатмаларига мувофик акциядорлар умумий йигилишида овоз беришга ишончнома бериши керак. Курсатиб утилган коида, шунингдек акцияларни беришнинг кейинги хар бир холатига нисбатан хам кулланилади.

## IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши утказилишига тайёргарлик куриш.

4.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини утказишга тайёргарлик куришни кузатувчи кенгаш амалга оширади. Кузатувчи кенгаш:

- акциядорлар умумий йигилиши утказиладиган санаси, жойи ва вактини;
- акциядорлар умумий йигилиши кун тартибини;
- акциядорлар умумий йигилишида катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхатини тузиш санасини;
- акциядорлар умумий йигилишини утказиш тугрисида акциядорларга хабар килиш шаклини;
- акциядорлар умумий йигилишини утказишга тайёргарлик куриш пайтида акциядорларга такдим этиладиган ахборот (материаллар) руйхатини;
- бюллетенлар билан овоз берилган такдирда овоз бериш учун бюллетень шакли ва матнини;

4.2.Акциядорлар умумий йигилиши утказилиши тугрисида хабар бериш акциядорларга олинганлиги албатта тасдикланадиган ёзма билдиришнома юбориш ва матбуотда тегишли ахборот эълон килиш йули билан амалга оширилади.

Жамият бошка оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) оркали умумий йигилиш утказилиши тугрисида акциядорларни кушимча равишда хабардор килишга хаклидир.

Жамият акциядорнинг талабига кура унга уни акциядорлар умумий йигилишида катнашиш хукукини берувчи акциядорлар руйхатига киритиш тугрисидаги ахборотни (текин) беришга мажбурдир.

Умумий йигилиш утказилиши тугрисида акциядоларга хабар бериш муддати жамият Низоми билан белгиланади.

4.3. Акциядорлар умумий йигилиши утказилиши тугрисидаги ёзма билдиришнома ва хабарда куйидагилар булиши керак:

- жамиятининг номи ва жойлашган жойи;

- акциядорлар умумий йигилиши утказилиши санаси, вакти ва утказилиш жойи;
- умумий йигилишда катнашиш хукукини берувчи акциядорлар руйхатини тузиш санаси;
- умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йигилишни утказишга таергарлик куриш пайтида акциядорларга такдим этилиши керак булган ахборотлар (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

4.4. Умумий йигилиш утказилишига тайергарлик куриш пайтида акциядорларга такдим этилиши керак булган ахборот (материаллар)га жамият фаолияти тугрисидаги йиллик хисобот, жамият тафтиш комиссияси (тафтишчи)нинг ва жамият аудиторининг жамият молиявий хужалик фаолияти йиллик текшириш натижалари буйича хулосалари, кузатувчи кенгашга ва жамият тафтиш комиссиясига (тафтишчилар) номзодлар тугрисидаги маълумотлар, жамият Низомига ёки жамиятнинг янги тахрирдаги Низоми лойихасига киритиладиган узгартиришлар ва кушимчалар лойихаси киради.

Умумий йигилишни утказишга тайергарлик куриш пайтида акциядорларга мажбурий такдим этиш учун кушимча ахборот (материаллар) руйхати кимматли когозлар бозори фаолиятини мувофиклаштириш ва назорат килиш ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.5. Агар жамият акциядорлари реестрида руйхатдан утказилган шахс акцияларнинг номинал эгаси булса Умумий йигилишни утказиш тугрисидаги билдиришнома акцияларнинг номинал эгасига юборилади. Акциялар номинал эгаси уни уз мижозларига конун хужжатларида ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиши шарт.

4.6. Жамият акциядорлари умумий йигилиши кун тартибига доир таклифлар жамиятнинг камида 1% овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядорлар томонидан, башарти жамият Низомида кечрок муддат белгиланмаган булса, жамият молиявий йили тамом булгандан кейин 30 кундан кечикмай юборилади. Курсатиб утилган акциядорлар, шунингдек акциядорлар йиллик умумий йигилиш кун тартибига масалалар киритишга хамда жамиятнинг кузатувчи кенгашига ва жамият тафтиш комиссиясига номзодлар курсатишга хаклидир, уларнинг сони ушбу органлар сон таркибидан ортик булиши мумкин эмас.

4.7. Акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига масалани куйиш сабаби, масалани киритаетган акциядор (акциядорлар)нинг номи, унга тегишли акциялар сони ва тури курсатилган холда езма шаклда киритилади.

Жамиятнинг кузатувчи кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар курсатиш тугрисида таклифлар киритишда, шу жумладан уз номзодини курсатишда номзоднинг исми унга тегишли акциялар сони ва турлари (агар номзод жамиятнинг акциядори булса), шунингдек номзодни курсатувчи акциядорларнинг номлари, уларга тегишли акциялар сони ва турлари курсатилади.

4.8. Жамиятнинг кузатувчи кенгаши тушган таклифларни мазкур Низомнинг 4.6.-бандида белгиланган муддат тамом булгандан кейин 15 кундан кечикмай куриб чикишга ва уларни акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритиши ёки кун тартибига киритишни рад этиш тугрисида карор кабул килишга мажбурдир.

4.9. Акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритилиши, шунингдек курсатилган номзодлар жамият кузатувчи кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайловлар

буйича овоз бериш учун номзодлар руйхатига киритилиши керак. Куйидаги холлар бундан истиснодир:

- акциядор(акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 4.6. бандида белгиланган муддатга риоя килинмаса;
- жамиятнинг сайлов органларига курсатилган номзодлар тугрисидаги маълумотлар тулик булмаса;
- таклиф конун хужжатлари талабларига мувофик булмаса.

4.10. Жамият кузатувчи кенгаши масалани акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритиш еки номзод жамиятнинг кузатувчи кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайловлар буйича овоз бериш учун номзодлар руйхатига киритиш асосли равишда рад этилиши тугрисидаги карори ушбу карор кабул килинган кундан кейин 3 кундан кечикмай масалани киритган ёки таклиф берган акциядор(акциядорлар)га юборилади.

4.11. Жамият кузатувчи кенгаши масалани акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритиш ёки жамиятнинг номзодни кузатувчи кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайловлар буйича номзодлар руйхатига киритиш рад этилиши тугрисида карори устидан судга шикоят килиши мумкин.

## V. Акциядорларни навбатдан ташкари умумий йигилишига тайергарлик куриш.

5.1. Акциядорларни навбатдан ташкари умумий йигилиши жамият кузатувчи кенгаши карорига кура куйидагилар асосида утказилади:

- унинг уз ташаббуси билан:
- тафтиш комиссияси ёки жамият аудиторининг талаби билан:
- талаб берилган санадан жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10% га эгалик килувчи акциядор(акциядорлар)нинг талаби билан.

5.2. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш жамият кузатувчи кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисида талаб берилган пайтдан бошлаб, 45 кундан кечикмай амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиш утказилиши тугрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак булган масалалар, уларни киритиш сабаблари курсатилган холда ифодаланиши керак.

5.4. Жамиятнинг кузатувчи кенгаши жамиятнинг тафтиш комиссияси, жамиятнинг аудитори ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10% га эгалик килувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан чикарилаетган акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши кун тартибига киритиладиган масалалар ифодаланишига узгартиришлар киритишга хакли эмас.

5.5. Агар акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисидаги талаб акциядор еки акциядорлардан чиккан булса, унда йигилиш чакирилишини талаб килаетган акциядор(акциядорлар)нинг исми (номи), унга тегишли акциялар сони, тури курсатилиши керак.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши чакирилишини талаб килаетган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамият тафтиш комиссияси, жамият аудитори ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10% га эгалик килувчи акциядор (акциядорлар)нинг навбатдан ташкари умумий йигилишни чакириш тугрисидаги талаби берилган санадан бошлаб 10 кун ичида жамият кузатувчи кенгаши томонидан

акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишининг чакирилиши ёхуд унинг чакирилиши рад этилиши тугрисида карор кабул килиниши керак.

5.8. Жамият тафтиш комиссияси, жамият аудитори ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10 % га эгалик килувчи акциядор (акциядорлар)нинг навбатдан ташкари умумий йигилишни чакириши тугрисидаги талаби рад этилиши хакидаги карор куйидаги холларда кабул килиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишни чакиришни талаб килаетган акциядор (акциядорлар) талаб берилган санада жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 10 % га эгалик килмаса.
- жамият акциядорларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши кун тартибига киритиши учун таклиф этилган саволлардан хеч бири унинг ваколатига тегишли булмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф килинаетган масала конун хужжатлари талабларига мувофик булмаса.

5.9. Кузатувчи кенгашнинг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш ёки уни чакиришни асосли равишда рад этиш тугрисидаги карори уни чакиришни талаб килувчи шахсларга ушбу карор кабул килинган кундан бошлаб 3 кундан кечикмай юборилади.

5.10. Жамият кузатувчи кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тугрисидаги карори устидан судга шикоят килиши мумкин.

5.11. Агар 45 кун ичида жамият кузатувчи кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисида карор кабул килинмаса еки мазкур низомнинг 5.8. бандида курсатилмаган сабаблар буйича уни чакириш рад этилиши тугрисида карор кабул килинса, акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши уни чакиришни талаб килувчи шахслар томонидан чакирилиши мумкин.

Ушбу холда акциядорлар умумий йигилишини утказишга тайергарлик куриш харажатлари акциядорлар умумий йигилишининг карорига кура жамият маблаглари хисобига копланиши мумкин.

5.12. Акциядорлик жамияти томонидан кузатувчи кенгашнинг ваколатларини муддатидан олдин тухтатиш тугрисидаги масалаларни куриб чикишда акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишлари мазкур Низомга мувофик тартибда чакирилади.

## VI. Умумий йигилиш кворуми

6.1. Акциядорлар умумий йигилиши, агар умумий йигилишда катнашиш учун руйхатдан утиш тамом булиши пайтида жамиятнинг таркатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами булиб камида 60% ортигига эгалик килувчи акциядорлар(уларнинг вакиллари), шу жумладан акцияларнинг давлатга тегишли пакетини ишончли бошкарувчи ёки давлат вакили (акциядорлик жамиятининг Низом жамгармасида давлатга тегишли акциялар пакети мавжуд булса) руйхатдан утган булса конуний кучга (кворумга) эга булади.

6.2. Агар имтиёзли акциялар кун тартибининг факат битта ёки бир неча масалалари буйича овоз берса, йигилиш кворуми такдим этилган оддий акциялари сонига караб белгиланади, курсатилган масалалар буйича овозларни санаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларининг умумий сонидан келиб чикиб утказилади.

6.3. Агар йиғилиш бошланиши учун белгиланган вактдан сунг 60 минутдан ортик вакт давомида кворум тупланмаса, акциядорларнинг янги умумий йигилишини утказиш санаси эълон килинади.

6.4. Булиб утмаган йигилиш урнига чакирилган янги умумий йигилиш, башарти йигилиш катнашчиларини руйхатдан утказиш тамом булиши пайтида унда жами булиб жамият овоз берувчи акцияларининг 60 % га эгалик килувчи акциядорлар(уларнинг вакиллари) руйхатдан утган булса хукукий ваколатли булади.

6.5. Агар такрорий йигилишда кворум тупланмаса, у холда акциядорлар ташаббуси билан чакирилаетган йигилиш булиб утмаган деб хисобланади ва бундан кейин чакирилмайди; жамият кузатувчи кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудиторининг ташаббуси билан чакирилаетган йигилиш акциядорлари умумий сонининг камида 60% хозир булиши таъминланмагунча шунча марта чакирилади.

6.6. Акциядорлар умумий йигилишини чакириш санаси 20 кундан оз муддатда кворум йуклиги муносабати билан кучирилган такдирда, умумий йигилишда катнашиш хукукига эга булган акциядорлар булиб утмаган умумий йигилишда катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхатига мувофик аникланади.

## VII. Умумий йигилишнинг ишчи органлари

7.1. Куйидагилар умумий йигилиш ишчи органлари хисобланади:

- раесат, санок комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йигилиши раесати ва раиси акциядорлар умумий йигилишида сайланади. Бунда кузатувчи кенгаш раиси, акцияларнинг давлатга тегишли пакетини ишончили бошкарувчи ёки давлат вакили лавозимига кура акциядорлар умумий йигилиши раёсатига киради.

7.3.Акциядорлар умумий йигилиши раиси йигилиш раёсатига бошчилик килади, йигилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у уз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур булган барча ваколатларга эга булади.

7.4.Умумий йигилиш раиси йигилишнинг боришига рахбарлик килади, умумий йигилиш ишчи органилари ишини мувофиклаштиради, масалаларни мухокама килиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутк сузлашлари вактини чегаралайди, йигилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушинтиришлар беради, залда тартиб урнатилишини назорат килади.

7.5. Умумий йигилиш раиси умумий йигилиш баени ва карорини имзолайди.

7.6. Жамиятнинг 100 дан ортик овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядорлар сони мавжуд булган жамиятда санок комиссияси ташкил этилади, унинг микдор ва шахсий таркиби жамият кузатувчи кенгашининг таклифига кура акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланади.

7.7. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан кам булмаслиги керак.Санок комиссияси аъзолари, ушбу лавозимларга номзодлари курсатилаётган шахслар, шунингдек ижро этувчи директор (бошкарув раиси) ва ижро этувчи коллегиал орган аъзолари киришлари мумкин эмас.

7.8. Жамиятнинг 500 дан ортик овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядорлар сони мавжуд булган жамиятда санок комиссиясининг функцияси жамиятнинг ихтисослаштирилган реестр сакловчисига юкланиши мумкин.

7.9. Акциядорлар умумий йигилишида овоз бериш "жамиятнинг бир овоз берувчи акцияси - 1 овоз" принципи буйича амалга оширилади (жамият

Кузатувчи кенгаши аъзолари сайловлари буйича номзодлар сонига караб, канча булса шунча овоз берилган холлар ва конун хужжатларида назарда тутилган бошка холлардан ташкари).

7.10. Овоз бериш бюллетенлари оркали амалга ошириладиган овоз беришда овозлар овоз берувчиларга овоз беришнинг эхтимол тутилган вариантларидан факат биттаси колдирилган масалалар буйича хисобланади. Юкорида курсатилган талаб бузилган холда тулдирилган овоз бериш бюллетенлари хакикий эмас деб хисобланади ва ундаги мавжуд масалалар буйича овозлар хисобланмайди.

7.11. Агар овоз бериш бюллетенида овоз беришга куйилган бир неча масала мавжуд булса, юкорида курсатилган талаб бир неча ёки бир неча масалага нисбатан риоя килинмаслиги овоз бериш бюллетенининг умуман хакикий эмаслиги тан олинишига олиб келмайди.

7.12 Санок комиссияси узига юкланган вазифаларни бажариш масаласида мустакил иш курувчи йигилишнинг ишчи органи хисобланади ва кузатувчи кенгашнинг таклифига кура акциядорлар умумий йигилиши томонидан сайланади.

7.13. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йигилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йигилиши (йиллик ёки навбатдан ташкари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (еки кайта сайланиши) пайтигача хисобланади.

7.14. Акциядорлар умумий йигилишини утказишга тайёргарлик куриш пайтида санок комиссияси кузатувчи кенгашнинг топширигига кура куйидаги функцияларни амалга оширади:

- Акциядорлар умумий йигилишида катнашиш хукукига эга булган акциядорлар руйхатини тузади; овоз бериш бюллетенларини ва умумий йигилишнинг бошка материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар хисобини олиб боради.

7.15. Акциядорлар умумий йигилишида акциядорларнинг олдинги умумий йигилиши томонидан сайланган санок комиссияси куйидаги функцияларни амалга оширади:

- умумий йигилишда катнашиш учун акциядорларни (уларни вакилларини) руйхатдан утказади;
- ишончномалар ва улар томонидан бериладиган хукуклар хисобини юритади;
- овоз бериш бюллетенларни ва умумий йигилишнинг бошка ахбороти (материаллари)ни беради;
- акциядорлар умумий йигилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

7.16. Таркиби булиб утаётган акциядорлар умумий йигилиши давомида тасдикланган санок комиссияси:

- акциядорлар умумий йигилиши кворуми мавжудлигини аниклайди;
- акциядорлар (уларни вакиллари) томонидан умумий йигилишда овоз бериш хукукини амалга ошириш муносабати билан пайдо булувчи масалаларни тушунтиради;
- овоз беришга куйилаётган масалалар буйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда катнашиши хукукини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чикаради;
- овоз бериш якунлари тугрисида баен тузади;
- овоз бериш бюллетенларни архивга топширади.

-

## VIII. Умумий йигилишни олиб бориш тартиби

8.1. Акциядорлар умумий йигилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг хар бир умумий йигилишида мазкур Низомга мувофик тасдикланади.

8.2.Кузатувчи кенгаш раиси умумий йигилишнинг санок комиссиясини, раесатини ва котибини (котибият -йирик акциядорлик жамиятлари учун тавсия этилади) сайлашни таклиф этади.

8.3. Акциядорлар ташабусига кура чакирилган умумий йигилиш раесати таркибини тасдиклаш буйича овоз вериш жамият Низоми билан белгиланган тартибда утказиш.

8.4. Умумий йигилишни олиб бориш тартиби, йигилишнинг бошланиши ва тахминан тамом булиш вактини, нутклар канча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллиги, кун тартиби масалалари буйича маъру-зачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон килиш тартибини назарда тутади.

8.5. Йигилиш давомида пайдо булувчи жорий масалаларни раис мухокама килинаетган масала буйича акциядорлар умумий йигилишида бош принципдан: хар бир катнашчининг белгиланган вакт доирасида сузга чикиш хукукидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чикиб яккабошчилик билан хал этилади.

8.6. Кун тартибидаги масалаларни мухокама килишда катнашиш истагини билдирганлар умумий йигилиш котибиятига мухокама килинадиган масалани курсатган холда буюртманома берадилар.

8.7 Акцияларнинг давлатга тегишли пакетини ишончли бошкарувчи ёки давлат вакили умумий йигилиш якунлари давлат манфаатларига зид эканлигини аниклаган такдирда,улар умумий йигилиш баенида узларининг алохида фикрларини акс эттиришга хаклидирлар.Ушбу холда умумий йигилиш карорлари бажарилиши 15 кунгача муддатга тухтатиб турилади. Ушбу вакт давомида ишончли бошкарувчи еки давлат вакили уз нуктаи назарини Давлат мулки кумитаси ёки Вазирлар Махкамасининг комплекси билан келишиши керак. Курсатилган органлар томонидан ишончли бошкарувчи ёки давлат вакилининг нуктаи назари куллаб-куватланган такдирда кузатувчи кенгаш ушбу масалани такроран мухокама килиш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари Умумий йигилишини чакириш тугрисида карор кабул килади. Агар ишончли бошкарувчи еки давлат вакилининг алохида фикри Давлат мулки кумитаси ёки Вазирлар Махкамаси комплекси томонидан куллаб-куватланмаса, у холда кузатувчи кенгаш умумий йигилишнинг карорини бажариш учун кабул килиш тугрисида карор кабул килади.

8.8. Кун тартибининг барча масалалари мухокама килингандан кейин раис акциядорлар умумий йигилишини епик деб эълон килади.

## IX. Акциядорлар умумий йигилиши баени

9.1. Умумий йигилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланади.

9.2. Котибият таркибини аниклашга нисбатан мазкур Низомнинг 7.10.бандига мувофик санок комиссияси аъзоларини тайинлашга куйиладиган талабларга ухшаш талаблар куйилади.

9.3. Умумий йигилиш котибияти:
- умумий йигилишни боришини баёнга кайд этиб боради;
- езма буюртманомалар буйича йигилиш кун тартиби масалаларини мухокама килишда катнашиш истагини билдирувчилар руйхатини олиб боради ;
- умумий йигилиш тамом булгандан сунг 15 кундан кечикмай акциядорлар умумий йигилиши баёнини икки нусхада тузади.
9.4. Акциядорлар умумий йигилиш баенида:
- акциядорлар умумий йигилиши утказиладиган жой ва вакти;
- жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаси булган акциядорлар эгалик килган овозларнинг умумий сони;
- йигилишда катнашган акциядорлар эгалик килган овозлар сони;
- йигилиш раиси(раёсати) ва котиби, йигилиш кун тартиби;
- нуткларнинг асосий коидалари, овоз беришга куйилган масалалар, овоз бериш якунлари ва умумий йигилиш томонидан кабул килинган карорлар курсатилади.
9.5. Акциядорлар умумий йигилиш баёни акциядорлар умумий йигилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.
9.6. Санок комиссияси баёни йигилишнинг махсус карори билан тасдикланмайди, балки маълумот учун кабул килинади хамда умумий йигилиш баенномасига тикиб куйилиши керак.
9.7. Акциядорлар умумий йигилиши баёни имзолангандан кейин санок комиссияси йигилиш хужжатларини, шу жумладан умумий йигилишнинг руйхатдан утиш руйхатини, санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган, мухрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш якунлари тугрисидаги баёнларни ва акциядорлар умумий йигилиши баёнини саклаш учун жамият архивига топширилади.

## X. Акциядорлар умумий йигилиши карорларини бажариш

10.1. Акциядорлар умумий йигилиши карорлари бажарилиши устидан назорат килишни, башарти йигилиш карорида узгача хол кайд этилмаган булса ва баенда акс эттирилмаган булса, жамият кузатувчи кенгаши амалга оширади.
10.2. Акциядорлар умумий йигилишининг карорлари умумий йигилишда хозир булган, шунингдек хозир булмаган барча акциядорлар томонидан уларга тегишли кисми буйича бажарилиши мажбурийдир.